



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 17 октябрь, № 214 (9109)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КОСМИК СОҲАДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА ИЛҒОР ЕЧИМЛАР ФАОЛ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 16 октябрь куни космик мониторинг орқали янги иқтисодий имкониятларни аниқлаш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларида аэрокосмик маълумотлардан фойдаланиш кенгайиб бормоқда. Хусусан, Президентнинг 30 сентябрдаги Фармони билан бу борадаги ишлар янги босқичга олиб чиқилди. Рақамли технологиялар вазирилик ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги геология, ер муносабатлари ва экология соҳасида йилига камида уч марта давлат космик мониторингини ўтказиши белгиланди, агентлиkning ҳудудий вакиллари лавозими жорий этилди.

Таъкидланганидек, эндиликда космик таҳлиллар ёрдамида иқтисодиётга катта туртки берадиган янги имкониятларни аниқлаш лозим.

Республикада ҳар йили юзлаб фойдали қазилма конлари ва карьерлар аукционга чиқариляпти. Тадбиркорларга имконият яратилиб, конларга саноат олиб кирилмоқда. Мисол учун, ўтган йили 170 та, йил бошидан эса 172 та кон аукционда сотилган.

Лекин конлардан рухсатсиз фойдаланиш муаммоси ханузгача долзарб экани, йил бошидан космик мониторинг ёрдамида 2 мингдан зиёд шундай ҳолатлар аниқлангани қайд этилди.

Бош прокуратура олдида иқтисодий жиноятларнинг олди-

ни олиш ва уларни ўз вақтида фош этишда ер, ишлаб чиқариш объектлари ва конларни сунъий йўлдош орқали таҳлил қилиш маълумотларидан самарали фойдаланиш вазифаси қўйилди.

Сўнгги йилларда ўзбошимчалик билан қурилган 1 миллион 365 мингта уй-жойга кадастр расмийлаштириб берилган. Лекин ҳалигача бундай ноқонуний қурилишларга тўлиқ барҳам берилгани йўқ. Йил бошидан 33 мингдан зиёд ўзбошимча қурилиш аниқланган бўлса, уларнинг кўпи қишлоқ ҳўжалиги ерларида жойлашган.

Шу муносабат билан қисқа муддатда тегишли ахборот платформаларини интеграция қилиб, ноқонуний қурилиш ҳолатларини тезкор ўрганиш ва бартараф этиш имконини берадиган тизим яратилиш топширилди.

Тақдимотда космик мониторинг асосида жойларда бўш турган ерларни аниқлаш ва иқтисодий активга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизнинг олтига ҳудудидан олиб борилган ўрғанишлар натижасида 300 гектарга яқин бўш ерлар аниқланди. Биргина Тошкент шаҳрида 95 гектар бўш ер участкаси топилиб, аукционга чиқарилган.

Президентимиз бу йил яна 8 та ҳудудда, келгуси йилда барча туман марказларида ўрганишларни охирига етказиш вазифасини қўйди.

Соҳада халқаро тажриба ва илғор ечимларни фаол жорий қилиш зарурлиги қайд этилди. Мутасаддилар бу борада ишлаб чиқилган лойиҳалар юзасидан ахборот берди.

Жумладан, космик маълумотларни сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиб, дарахтлар кесилиши, метан газ сизиб чиқиши, қуёш панелларининг самарадорлиги, йўл қопламаси ҳолати, темир йўл ва электр тармоқларидаги носозликлар ва ортиқча юкнамаларни аниқлаш ишларини ташкил этиш режалаштирилган.

Шунингдек, тақдимотда космик соҳада таълим экоти-зимини яратиш, космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш, йўлдошли алоқа технологияларини жорий этиш орқали мамлакатимиз олис ҳудудларида алоқа қамровини ошириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди. 2028 йилда Самарқандда ўтказиладиган Халқаро астронавтика конгрессида пухта тайёргарлик кўриш юзасидан топшириқ берилди.

ПОЙТАХТНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёевга пойтахтнинг комплекс ривожлантириш, саноат ва транспорт инфратузилмасини яхшилаш масалалари юзасидан ахборот берилди.

Тақдимотда “Янги авлод” махсус саноат зонасини ривожлантириш режалари кўриб чиқилди.

774 гектар майдонда ташкил этилган мазкур ҳудудда ҳозиргача 268 гектарда 28 та лойиҳа амалга оширилмоқда, уларнинг умумий қиймати эса 800 миллион долларга тенг. Яна 300 гектарда жойлашадиган 30 та лойиҳа бўйича инвесторлар аниқланган бўлиб, умумий инвестицияларнинг ҳажми 400 миллион долларни ташкил этади.

Саноат зонасини янада кенгайтириш ва янги қувватларни жойлаштириш ҳисобига иш ўринларини яратиш, юқори қўшилган қийматли ҳамда технология маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Масалан, саноат зонаси ҳудудда 288 миллион доллар инвестиция ҳисобига мултимодал логистика терминали барпо этиш лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Лойиҳа Дубайнинг “DP World” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилади. Терминал ишга тушгач пойтахт ва Тошкент вилоятининг логистика имкониятлари кенгайди, экспорт ва импорт операциялари тезлашади.

Пойтахтда йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш бўйича амалга ошириладиган ишларга ҳам

тўхталиб ўтилди. Жумладан, Шота Руставели кўчасидаги тажрибадан келиб чиқиб, “BRT” тизими (Bus rapid transit) асосида яна 10 та кўчада шундай қурилиш ишлари бошланади.

Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, транспорт оқимини тартибга солиш ва шаҳар қиёфасини ягона дизайн-код асосида такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ҳам муҳокама қилинди.

Келгуси йилда маҳаллаларни ободонлаштириш, гастрономик кўчалар қуриш ва сўғориш тизимларини янгилаш ишларига маҳаллий бюджетдан 1 триллион сўм йўналтирилиши белгиланди.

Президентимиз пойтахтдаги янгиланишлар инсонлар учун қулай ва замонавий яшаш муҳитини яратишга, иқтисодий фаоллик ва тадбиркорлик салоҳиятини янада оширишга хизмат қилиши кераклигини таъкидлади.

Тақдимот давомида бошқа ҳудудлардаги йирик лойиҳалар юзасидан ҳам маълумот берилди. Жумладан, Бухоро шаҳрининг сайёҳларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш имкониятларини янада кенгайтириш режалари кўриб чиқилди.

Ў.А.

МДҲГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ХАВФСИЗЛИК ОРГАНЛАРИ ВА МАХСУС ХИЗМАТЛАРИ РАЎБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

16-17 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар хавфсизлик органлари ва махсус хизматлари раҳбарлари Кенгашининг 57-мажлиси ҳамда МДҲга аъзо давлатлар хавфсизлик органлари ва разведка хизматлари раҳбарларининг 21-мажлиси ўтказилмоқда.

Мажлисларда иштирок этиш учун Ўзбекистон, Арманистон, Беларусь, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғиз, Тожикистон, Туркменистон Республикалари ва Россия Федерацияси махсус хизматлари раҳбарлари, шунингдек, МДҲ Ижроия қўмитаси ва МДҲга аъзо давлатлар Аксилтеррор маркази вакиллари Самарқандга келди.

16 октябрь куни тадбир қатнашчилари дастлаб Самарқанд шаҳридаги Хотира майдонида бўлиб, Мотамсара она ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Юрт тинчлиги ва хавфсизлиги-

ни таъминлаш йўлида жон фидо қилганлар хотираси ёдга олинди.

Шундан сўнг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар хавфсизлик органлари ва махсус хизматлари раҳбарлари Кенгашининг 57-мажлиси ўтказилди.

Мажлис аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг йиғилиш қатнашчиларига мурожаатини Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати бошлиғи Б. Қурбонов ўқиб эшиттирди.

➡ 3

Анжуман

ТИНЧЛИК ПЛАТФОРМАСИ

яқин қўшничилик, қардошлик ва дўстлик алоқаларини янада яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир

15-16 октябрь кунлари “Фарғона водийси: тинчлик ва тараққиёт йўлида саяёҳ-ҳаракатларни бирлаштириш” мавзuida Фарғона тинчлик форумининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Нуфузли анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан Прогрессив ислохотлар маркази, ЕХҲТ, Тинчликни барпо этиш хаби ва бошқа халқаро тузилмалар ҳамкорлигида, шунингдек, БМТ ва Европа Иттифоқи кўмагида ўтказилди. Форумнинг асосий мақсади — мулоқот, ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш ҳамда Фарғона водийсини ҳар жиҳатдан ривожлантириш учун доимий платформа яратиш.

➡ 6

ВАТАНДОШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Қозон шаҳрида Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев бошчилигидаги делегация “Ўзбекистонликларнинг миллий-маданий мухторияти” ҳудудий жамоат ташкилотидан ватандошларимиз ҳамда Татаристон Республикасида таҳсил олаётган талаба-ёшлар билан учрашди.

Учрашув

Мулоқот давомида Татаристонда яшаётган ватандошларимизнинг ижтимоий ҳаёти, таълим, маданият ва ўзаро ҳамжиҳатлик масалалари муҳокама қилинди.

Маълумки, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Волгабуйи федерал округига хизмат кўрсатувчи Қозон шаҳридаги Бош консулхона ташкил этилган эди. Волгабуйи федерал округи 14 та ҳудудни қамраб олади. Мазкур дипломатик ваколатхона ватандошларимиз билан мунтазам мулоқот ўрнатиб, айниқса, талаба-ёшларга ҳуқуқий масалаларда амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда Татаристон Республикасида 15 мингдан зиёд ўзбекистонликлар яшайди. Шунингдек, 2 мингдан ортиқ ёшлар мазкур минтақанинг нуфузли олий

ўқув юртларида таҳсил олмақда.

Учрашувда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Қозон шаҳридаги Бош консулхонаси фаолияти ватандошларимизни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни тарғиб этишга қаратилган.

Бош консулхона ўзбекистонлик ватандошларимиз билан биргаликда Мустақиллик куни ва қатор умумхалқ байрамларини мунтазам тарзда нишонлаб келмоқда. Бундан ташқари, ёш авлод ўртасида она тилига ҳурматни ошириш мақсадида ўзбек тили мактабидан дарслар ташкил этилган бўлиб, ватандошларимизнинг фарзандлари ўз она тилини чуқур ўрганиш имкониятига эга бўлмоқда.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

МАҲАЛЛА

халқ учун энг яқин, энг ишончли таянч нуқта

Маҳалла — бу бешик. У миллатнинг, миллий қадрият ва анъаналарнинг бешиғидир. Маҳалла — бу бир неча хонадонларнинг йиғиндиси эмас, балки бир мақсадда бирлашган юраклар жамиятидир. Унда муҳаббат бор, нафратга ўрин йўқ. Унда бирлик бор, парокандаликка йўл йўқ. Унда тарих бор, келажакка ишонч бор.

Бугуннинг гапи

Маҳалланинг бугунги ва келажадаги ўрнини янги босқичга олиб чиқиш, уни халқ ва давлат ўртасидаги мустаҳкам кўприк сифатида янада кучайтириш масаласи мамлакатимиз раҳбарияти диққат марказида турибди. Жорий йилнинг 14 октябрь куни

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида маҳалла тизимини янада такомиллаштириш ва жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видео-селектор йиғилиши ҳам маҳалла институтига давлат сиёсатининг

Қорақалпоғистон:

ЯНГИ ДАВР ОДИМЛАРИ



Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар



Бундан икки ойча муқаддам Президентимизнинг “Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга биноан, минтақани 2035 йилгача ривожлантиришга қаратилган стратегия белгиланди.

Бу — Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар марказида турган Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантиришнинг янги босқичи бошланганидан далолат беради.

Собиқ иттифоқ даврида пахта сиёсатида қарам бўлган юрт маҳзунли ва забунлиқа юз тутди. Асрлар давомида мавжланиб, минтақа ахлига ризқ-рўз улашган Орол қуриди.

Қорақалпоғистон аҳли қора қозонини қайнатиш учун узоқ ўлкаларда мусофир бўлиб, ризқ топишга тутинди.

Ва ният, 2016 йил 10 ноябрь. Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманида бўлиб ўтган сайловли учрашувида: “Мен нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзандиман!” деб таъкидлади. Халқнинг дардини тинглади, муаммоларини ўрганди, уларни бартараф этишга сўз берди. Бу минтақа ахлининг кўнглига чирик ёқди.

➡ 4



ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилди. Ўзгаришлар ва янги лойиҳалар халқимизни рози қилиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, энг муҳими, инсон қадрини юксалтириш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилди.

Муносабат

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган тарихий ислохотлар, амалий ташаббуслар ва туб янгиланиш жараёнлари мамлакатимиз тараққиётини мутлақо янги босқичга кўтарди. Ислохотлар аҳолининг барча қатламлари манфаатларига ижобий таъсир кўрсатди. Бугун юртимизнинг қай бир ҳудудига борманг, катта-катта ўзгаришларга, аҳолининг ҳаётдан рози бўлиб яшаётганига гувоҳ бўласиз.

➡ 2

ТИНЧЛИК ПЛАТФОРМАСИ

яқин кўшничилик, қардошлик ва дўстлик алоқаларини янада яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир

1 Унда МДХ, Осиё, Европа ва АҚШнинг етакчи таҳлил марказлари экспертлари, Марказий Осиё давлатларининг фуқаролик жамияти институтлари, тадбиркорлар, илм-фан намояндалари ҳамда фаол ёшлар иштирок этди. Юзма-юз мулоқотларга БМТ, ШХТ, МДХ, ЕИ, ЕХХТ каби унлаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг юқори мартабали вакиллари ҳам тақлиф қилинди.

Сайёрамизнинг турли қитъаларидан келган 300 дан зиёд қатнашчилар орасида тинчлик ўрнатиш соҳасида обрўли халқаро тузилмалар, хусусан, Германия, Финляндия, Швейцария, Марказий Осиё давлатлари илмий-амалий марказлари ҳамда институтлари олимлари бор эди.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг яқинда бўлиб ўтган 80-юбилей сессиясидаги нутқида Марказий Осиёни тинчлик ва яхши кўшничилик маконига айлантириш бўйича яна бир қатор тақлиф ҳамда ташаббусларни илгари сурди. Бу Янги Марказий Осиёнинг шаклланиш жараёнини янада тезлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Бундай орзулар ижобати ўзаро ҳамфикр,



ҳаммаслак ва ҳамжиҳат ҳудуд сифатида минтақанинг жаҳон ҳамжамиятида ўрни ҳамда мавқеи тобора мустаҳкамланиб боришини таъминлайди.

Тинчлик форумининг биринчи йиғилишида сўзга чиққан вилот хохими Хайрулло Бозоров Фарғона тинчлик форуми — бу мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё-

ни тинчлик, яхши кўшничилик ва ҳамкорлик минтақасига айлантириш сиёсатининг амалдаги ифодаси эканлигини таъкидлади.

Қирғиз Республикаси Президентининг Боткен вилотидаги ваколатли вакили Ойбек Шаменов, Тожикистоннинг Сўғд вилоти раиси Ражаббой Аҳмадзода сўнгги тўққиз йил ичида мамла-

катларимиз ўртасидаги яхши кўшничилик муносабатлари мисли кўрилмаган даражага етганини эътироф этди. Давлат раҳбарларининг очик ва прагматик сиёсати, дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга қаратилган ташаббуслари туфайли Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилганлигини айтишди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Бобур Усмонов, БМТнинг Марказий Осиё учун Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе, ЕИнинг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Эдуардс Стипраис, ШХТ бош котиби ўринбосари Суҳел Хон ва бошқалар бу борадаги илиқ фикрларини билдирди.

Масалан, тадбир якуни бўйича минтақадаги давлатларнинг ўзаро ишонч-ни мустаҳкамлаш, гуманитар алоқаларни ривожлантириш ва биргаликдаги иқтисодий ўсиш учун шарт-шароит яратишга бўлган саъй-ҳаракатларни янада ривожлантиришга келишиб олинди.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).



Стол тенниси: ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНА



Ҳиндистоннинг Бхубанешвар шаҳрида стол тенниси бўйича жамоавий йўналишда Осиё чемпионати ўтказилаётгани ҳақида маълум қилинган эди. Унда қатнашган Ўзбекистон эрактлар ва аёллар терма жамоалари ўз иштирокини яқунлади.

Аҳамиятлиси, мусобақада 15-ўринни эгаллаган йигитларимиз келгуси йили Англиянинг Лондон шаҳрида уюштирилаётган жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди. Қизларимиз қайд этган 16-натижа эса дунё биринчилигига йўл олиш учун етарли бўлмади.

Академик эшкак эшиш: СПОРТЧИЛАРИМИЗ ВЬЕТНАМДА



Кеча Вьетнамда бошланган академик эшкак эшиш бўйича Осиё чемпионати 19 октябрда яқунланади.

Хайфон шаҳри мезбонлик қилаётган мусобақада китамизнинг 18 мамлакатидан 232 нафар спортчи иштирок этяпти.

Ўзбекистон “Rowing&Canoe” федерациясининг маълумотига кўра, мазкур чемпионатда терма жамоамизнинг 23 нафар аъзоси юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Ҳозирги кунда спортчиларимиз Хайфон шаҳрида сўнгги тайёргарлик машғулотларини олиб боришяпти.

Футбол: ҲАМЮРТИМИЗ ЭНГ ИҚТИДОРЛИЛАР ҚАТОРИДА

Буюк Британиянинг “The Guardian” нашрида жаҳон футболдаги энг иқтидорли 60 нафар ёш футболчи рўйхати эълон қилинди. Эътиборлиси, ушбу рўйхатдан Ўзбекистон “U17” терма жамоаси аъзоси Садриддин Ҳасанов ҳам ўрин олди.



Нашрнинг ёзишича, апрель ойида бўлиб ўтган “U17” Осиё кубоги мусобақаси давомида рақиб дарвозасига тўртта гол урган Ўзбекистон “U17” терма жамоаси аъзоси С. Ҳасанов финалдаги муваффақият-ли йўлини учун турнирнинг энг яхши футболчиси, деб топилган эди. У Осиёда “Йилнинг энг яхши ёш футболчиси” бўлишга муносиб даъвогарлардан биридир. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 2019 йили Жасурбек Жалолиддинов, 2024 йили эса Азизбек Тўлқинбеков ҳам дунёдаги энг иқтидорли ёш футболчилар рўйхатига киритилган эди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА жамоаси таниқли журналист **Жуманазар МЕЛИҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

«УДАБАУРОН»

ТАЛАБАЛАР КИМНИ АЛДАМОҚЧИ?

Бир неча ой аввал бакалавр талабанинг илмий ишига тақризчи сифатида унинг ҳимоясида иштирок этдим. Ишни ўқиган кенгаш аъзоларидан бири “Буни талаба ўзи ёзмаган, эҳтимол сунъий интеллект ёзиб бергандир” деб қолди. Мен эса унга жавобан: “Йўқ, сунъий интеллект (СИ) бундан яхшироқ ёзган бўларди”, дедим. Ва шу биргина воқеа бугунги олий таълим ва илмдаги муаммоларга кўзгу тутди дейиш мумкин. Зотан, бугун ҳар қандай ижодий изланишга шубҳа билан қаралаётган даврда яшаймиз.

Оддий ҳақиқат

2023 йилда ўтказилган халқаро сўровномалар ҳам бу ҳолатни тасдиқлайди. Масалан, АҚШдаги йирик университетларнинг 60 фоиздан ортиги талабаларнинг ёзма ишларида сунъий интеллектдан фойдаланилганини қайд этган. Австралида эса ўқитувчиларнинг 72 фоизи СИ академик ҳалолликини жиддий ҳавф остига қўяётганини таъкидлаган.

Бугун бутун дунё сунъий интеллектни жадал жорий этмоқда. Ҳукуматлар уни рақамли таракқиётнинг асосий омили сифатида қўриб, таълим, тиббиёт, транспорт, ҳатто санъатда ҳам қўллашни тасвия этмоқда. Аммо умумий ютуқлар соясида таълим тизимига хос, жуда нозик ва хавфли жиҳатлар яшириниб ётди.

Аввалгига сунъий интеллект оддий ёрдамчи сифатида кўринган: талаба учун матн ёзишда, ўқитувчи учун дарс режасини тузишда, изланувчи учун маълумотни тартибга солишда ёрдам берарди. Аммо жараён тобора бошқа томонга оғмоқда. Энди у талабанинг мустақил фикрлаши, изланиши ва меҳнат қилиш эҳтиёжини сусайтирмоқда. “Уддабурун”-лик ниқобини кийган айрим талабалар эса сунъий интеллект “ижоди” билан атрофдагиларни алдаётгани ҳам сир эмас.

Бугунги талабалар учун тезкорлик асосий қуролга айланди: “биргина буюртма — тайёр натижа”. Рефератни, курс ишини, ҳатто битирув малакавий иши — барчаси бир хил механика бўйича ёзилмоқда: калит сўз, топширик, нусха. Энг хавфли томони шундаки, бунда натижа бор, аммо фикр йўқ. Китоб жавонидан керакли китобни излаш, сотатлаб манбаларни ўқиш “кераксиз меҳнат”дек кўринмоқда. PISA натижаларига кўра, 18 — 25 ёшдаги ёшларнинг қарийб 40 фоизи курс ишлари ва рефе-

ратларни тайёрлашда “ChatGPT” ёки шунга ўхшаш воситалардан мунтазам фойдаланмоқда. Бу кўрсаткич “тезкорлик асосий қуролга айланди” деган фикрни тасдиқлаб, ёзма ишлар аста-секин меҳнат маҳсули эмас, технология маҳсулига айланиб бораётганидан далолат беради.

Мен сунъий интеллектга тўлиқ ишонч билдирмаман, — дейди педагог ва журналист, филология фанлари доктори Перхан Алламбергенова. — Ҳа, у маълумотларни тартибга солиб бериши мумкин, аммо уни ҳақдан ташқари қўллаш инсон тафаккурига хавф туғдиради. Мия машқ қилган сари ривожланади, тайёр билимни қабул қилиш эса уни суллаштиради. Шу боис мен доимо илмий адабиётлар ва расмий манбалардан фойдаланишни афзал биламан. Бу кўпроқ вақт олади, аммо билим мустаҳкамланади, тафаккур уйғоқ бўлади.

Кембриж университети психологари олиб борган тадқиқот ҳам бу фикрни илмий жиҳатдан тасдиқлайди. Тадқиқотда мунтазам равишда Сидан фойдаланадиган талабаларда мустақил ёзма фикр билдириш қобилияти 20 — 25 фоизга пасайгани аниқланган.

Британиялик журналист ва жамиятшунос Жон Нотон ҳам бу жараёнга жиддий эътибор қаратади. У ўз мақолаларида таъкидлаганидек, сунъий интеллектнинг таълимга кириб келиши билан ёзма топшириқлар моҳиятан ўз қадрини йўқотмоқда. Чунки талаба энди ёзиш жараёнидан воз кечиб, СИ ёрдамида тайёр натижани керакли китобни излаш, сотатлаб манбаларни ўқиш “таълим тизимини босиб келаётган яширин хавф” сифатида таърифлаб, савол қўяди: энди ўқитувчилар кимни баҳолашмоқда — ҳақиқий

талабанинг билиминини ёки машина алгоритминини?

Топшириқларда сунъий интеллектдан фойдаланишни “фақат ёрдамчи восита” деб оқлашади, аммо ёрдамчи сифатида фойдаланиш билан бутун ишни унинг зиммасига топшириб қўйиш ўртасидаги фарқ ер билан осмонча. Айнан шу ерда “академик ҳалоллик” деб номланувчи энг асосий кадриятимиз зарар қўради. Чунки кўчирмачи энди фақат матнни кўчириб олиш эмас, балки мустақил фикрлашдан воз кечиш шаклида ҳам намоён бўлмоқда. Оддий плагиатни махсус дастурлар аниқларди, лекин СИ яратган матн кўпинча бундай базаларда топилмайди. Яна бир муаммо: талаба ишни ўзиники қилмайди — у на матнни ўқиган, на муҳомаддан ўтказган ва на таҳлил этган. Масалан, “Turnitin” компанияси томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, 2023 йилда текширилган ёзма ишларнинг 10 — 15 фоизига СИ иштироки аниқланган.

Америкалик ҳуқуқшунос-педагог Памела Самуэльсон генератив сунъий интеллект ва муаллифлик ҳуқуқи ўртасидаги мураккаб чегараларни таҳлил қилади. Унинг таъкидлашича, СИ орқали яратилган матннинг маконини фақат “плагиатни ёки оригинал асарми?” деган оддий савол билан аниқлаб бўлмайди. Унинг фикрича, СИ ёрдамида юзага келган матнларнинг бир қисми автоматик қайта ишлаш натижаси, бошқаси эса ижодий ўзгаришдир. Шу боис ҳар бир чиқиш мазмун, оригиналлик даражаси ва фойдаланилган манбалари асосида алоҳида баҳолашни лозим.

Сунъий интеллект турли соҳаларда қулайлик яратмоқда. Лекин таълим ва илмий ижод ҳақида гапирганда, муаллифлик ҳуқуқи масаласи долзарб бўлиб қолади. Инсоннинг ижодий маҳсули — муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган. Аммо сунъий интеллект яратаётган матнларнинг мақоми ҳали аниқ эмас. Шу сабабли, плагиат, ҳалоллиқнинг сусайиши, асарлардан рухсатсиз фойдаланиш каби муаммолар кучаймоқда. Биз ҳам конунчилиқни тезроқ янгиллашимиз керак, акс ҳолда интеллектуал мулкни ҳимоя

қилиш қийинлашади, — дейди юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, ҳуқуқшунос-педагог Абдумўмин Йўлдошев.

Ўзбекистонда ҳам академик ҳалоллик қоидалари мавжуд. Аммо муаммо уларнинг амалда тўлиқ ишламаслигида. Талабаларнинг ёзма ишлари кўпайган, ўқитувчиларнинг оқламаси оғир, назорат механизмлари эса деярли ўзгармаган. Бундай шароит “тезроқ топшириш”ни рағбатлантиради. Бошқача айтганда, бугунги таълим муҳитида тезкорликка қарамлик рўй бермоқда. Муддат қисқа, рақобат кучли. Натижани тез кўрсатиш истаги талабаларни сунъий интеллектдан кенгроқ фойдаланишга ундайди. Аслида муаммо технологиянинг ўзида эмас, балки ундан қандай фойдаланишда. СИ ёрдамчи восита бўлиши мумкин, лекин у ҳеч қачон талабанинг ўрнига ишни бажариб қўймаслиги керак. Бу фарқни аниқ белгилаш эса таълим тизимидаги маъсуллар зиммасида. Бунинг учун топшириқ мазмунини қайта кўриб чиқиш, баҳолаш меъёрларини тақомиллаштириш, жараёни ҳужжатлаштириш ва ҳалоллиқни кафолатлайдиган қоидаларни жорий этиш зарур. Энг муҳими, аудиторияда талабага мустақил фикрлаш, далил келтириш ва билимни амалда қўллаш имконини яратишдир.

“Авлод Медиа” томонидан Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, олий таълим муассасалари талабаларининг қарийб 80 — 90 фоизга “ChatGPT”дан камида бир марта фойдаланганини билдирган.

Шундай экан, аслида “уддабурун” талабалар кимни алдашмоқда? Фақат ўзларини! Бир тугма босиб ёзилган реферат ёки курс иши талабанинг билимини бойитиб қолмайди. Шу боис асосий масала технологияни тақиқлашда эмас, уни қандай чегарада ишлатишда. Сунъий интеллект ёрдамчи бўлиб қолса, билим олишга хизмат қилади, талабанинг ўрнига ишласа — тафаккурни емиради. Ҳақиқий таълим эса китоб ўқиш, устознинг сўзи ва мустақил изланиш орқали шаклланади.

Бугунги кун вазифаси — сунъий интеллектдан фойдаланишда аниқ чегараларни белгилаш ва энг муҳим кадриятларни — ҳалоллик, мустақил фикрлаш ва чуқур билимни сақлаб қолишдир. Акс ҳолда, келажақда билимли мутахассис эмас, балки тайёр матнга қарам авлод етишиб чиқиши мумкин.

Санжар ШОМУРДОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон вакиллари Мисрда ўтказилган пара пауэрлифтинг бўйича жаҳон чемпионатида 4 та медалга сазовор бўлди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 10 601 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган кўлаёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашіёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашіёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.27 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6